

⊙ МАМНУНЛИК ҲИСЛАРИ. Ирригация-суғориш-машинасозлиги заводи илғор ишчиси Нурали Бектемисов.

И. Шербек сурати.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бусағасида

# Умид қилса бўлади

— БОЗОР иқтисодиёти — бу шунчаки иш эмас. Унинг моҳияти кенг қамровли. Эътибор берган бўлсангиз, ҳозир қайта қуриш ҳақида кам гапирадиган бўлиб қолдик. Унга нисбатан одамларда ишонч сўнди. Боисини изоҳламоқчи эмасман. Аммо ҳаммага маълум бўлган бир гапни айтмоқчиман: ҳаётга, меҳнатга муносабат ўзгаргани билан биз барибир кўп нарсаларни бой бердик. Ишчанликка сўзда берилиш ўшандайлигича қолди. Энг муҳим нарса: амалий натижалар ҳақида камроқ қайғурдик. Биз бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтганимиздан сўнг ҳам шу иллатдан қутула олмас эканмиз, ўзимизни кечиролмаймиз. Бозор иқтисодиётининг кимнингдир манфаатига хизмат қилишига сира йўл очиб бермаслигимиз керак. Бу шароитда ҳамма нарса, ҳаётнинг ҳамма соҳаси эътиборга олиниши зарур...

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг режа-иқтисод бўлими мудири Юрий Павлов билан илк суҳбатда бу сўзлардан жуда ажабланган эдим. Аммо унинг куюнчаклик билан айтилган гапларида ҳикмат кўп экан. Бирлашмада иқтисодий мустақиллик сари дадил қадамлар қўйилганига анча бўлди. Корхона тўла хўжалик ҳисобига 1988 йил январь ойидан ўтган эди. Дастлабки натижалар чакки бўлмади. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда, меҳнатни ташкил этишда самарали усуллар таркиб топди.

Ишчи ва хизматчилар ўтган йили режа ва мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 103,2 фоизга, пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш 100 фоизга, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш эса 103,3 фоизга адо этилди. Кўрилган соф фойда 13 миллион 616 минг сўмни ташкил этди. Энг муҳими, шартнома мажбурияти 100 фоизга бажарилди. Лекин барча корхоналардаги каби мазкур бирлашмада ҳам тўла хўжалик ҳисобини юритишдаги илк муваффақиятлар билан бир қаторда анча муаммолар ҳам йиғилиб қолди.

Биринчи муаммо — шу бирлашма билан шартнома тузган мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги корхоналарнинг ўз шартнома мажбуриятларини сидқидилдан бажармаётганлигидир. Бунинг оқибатида шу корхоналарнинг бирлашмага етказиб берадиган хом ашёлари бир маромда келиб тушмаяпти. Ўтган йили темир йўл транспортларининг бир маромда ишламаганлиги туфайли ҳам бирлашмага хом ашё етказиб беришда узилишлар бўлиб турган эди. Натижада ойнинг ҳамма кунида бир маромда маҳсулот тайёрланмай, ойнинг охирги ҳафталарида ишга зўр бериларди. Бундай ёндашувнинг маҳсулот сифатига таъсири кейинчалик сезилиб қолди. Ишчи ва хизматчилар собитқадамлик билан ишда ўзгариш бўлишига, хом ашё таъминоти яхшиланишига умид қилдилар. Афсуски, ҳозирда ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. 1990 йилнинг асосий қисми ўтиб кетган бўлишига қарамай таъминотдаги узилишлар қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Яна бир гап, сентябрь ойи ўтиб бораётганига қарамай, хом ашё етказиб берадиган корхоналар билан 1991 йил учун шартнома тузилгани йўқ. Иш шу аҳволда кетаверса, корхона иқтисодиёти қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Корхона ўтган йили 13 миллион 616 минг сўм фойда олди. Лекин жамоа бундан етарлича фойдалангани йўқ. Бирлашманинг 6,5 мингдан зиёд ишчи ва хизматчисига шу фойданинг атиги 982 минг сўми мукофот тарзида берилди, холос. Корхонада фойда талон-тарож қилинмаганида бундай муаммодан ҳеч ким ташвишланмасди. Масалан, фойданинг асосий қисмини тармоқ вазирлиги тортиб олди. Бошқачасига айтганда, 13 миллион 616 минг сўмнинг 60 фоизи «юқори»га оширилди. Бу аҳволда иқтисодий мустақиллик хусусида қандай гап бўлиши мумкин. Ишлаган тишлайди, деган гапнинг моҳияти нима бўлади.

Энди чамалаб кўрайлик: фойданинг қолган қисми бирлашманинг ҳар хил эҳтиёжларига ишлатилади. Аммо шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги вақтларда хизмат турларининг баҳолари анча ошди. Ҳамма транспорт турлари, электр қуввати ҳамда ёқилғи нархлари 1,5 — 2 баравар кўпайди. Ундан кейин бу фойдадан ишчи ва хизматчиларга турар жой биноларини қуришда фойдаланиш керак. Заводга қарашли пионер лагерлари ва дам олиш жойларини жорий таъмирлашга ҳам шу фойдадан маблағ ажратилади. Эскириб қолган дастгоҳларни янгилаш ва қатор бошқа мақсадлар учун ҳам шу маблағдан олиниши керак. Қолгани ишчи ва хизматчиларни мукофотлашга асқотади. Хуллас, фойданинг бевосита ишчи ва хизматчиларга тегадиган миқдори оз. Биргина ўтган йили асосий бойликни яратаётган ишчиларга мукофот сифатида бериладиган маблағ фойданинг 7,2 фоизигагина тўғри келди.

Корхонада халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни режалаштириш билан бир қаторда уни маблағ билан таъминлаш ҳам оқсамоқда. Масалан, бу йил вазирлик томонидан мазкур маҳсулотларнинг 60 фоизигина давлат буюртмасига кўра маблағ билан таъминланди холос. Ваҳоланки, ҳозир корхонада халқ истеъмол молларининг 50 хили ишлаб чиқарилмоқда. Шунга қарамасдан бирлашманинг ички имкониятлари ҳисобига бу борадаги режаларнинг ҳаммаси ортиғи билан бажариб келинаяпти.

Машинасозлар бозор иқтисодиётига ўтилгач, ишнинг янада юришиб кетишига умид қилмоқдалар. Бунинг учун тақсимот тарозусини изга солиш, таъминотчилар билан тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблашмоқда. Энг тўғри йўл ҳам шу.

Ғ. ЮСУПОВ.

Уй қурмоқчимисиз?

# «Пойдевори биздан...»

**⊙ Дарҳақиқат, уй қурганда ишни нимадан бошлаш керак? Давлат ташкилоти орқали иморатни бутлаб олиш мумкинми? Ҳа, иложи бор. Бунинг учун Тошкент шаҳар маиший қурилишлар таъмири бошқармасининг Сағбондаги бетон қоришмалар ишлаб чиқариш узели хизматчиларига мурожаат этсангиз, мушкулингизни осон қилишади.**

— Аҳолига пулли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб кўп яхши иш қилдик, — дейди узел бошлиғи Нурали Ҳайдаров. — Бу ер авваллари Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли эди. Олти ойдирки, унинг ўрни жамоамизга ажратиб берилди. Бу билан шу маҳалгача трестимиздаги бетон қоришмалари билан таъминланадиган қурилиш участкаларида ишни анча фаоллаштиришга эришдик. Шундай узелнинг йўқлигидан турли темир-бетон буюмлари заводларига қатнаб, қурилиш материали ундиришдан қийналардик. Энди ўзимиздаги узел бу ишларни бемалол уддалай олади.

Давр тақозоси билан ишда ўзгариш ясашга эришдик. Узелда аҳолига пулли хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Шундай ишлар учун ҳар бири уч кишидан иборат иккита бригада тузилди. Буюртмачилардан келиб тушган буюртмага биноан лойиҳасмена ишлари ниҳоясига етказилгач, улар шахсий иморатлар қурилишининг энг масъулиятли жараёнини олиб борадиган бўлдилар. Холис хизматнинг кўпчиликка манзур бўладиган ўзига хос жиҳати бор. У ҳам бўлса буюртмачига ишчи кучи билан биргаликда узел томонидан қурилиш материали ҳам етказиб берилади. Узелдагилар иморатнинг пойдеворини тиклайдилар. Зарур бўлиб қолган пайтда ғиштни ҳам уриб беришади.

Нурали Ҳайдаров тажрибали мутахассис. 31 йилдирки ҳалол меҳнат қилиб, касбини улуғлаб келмоқда. Узелдаги ишларнинг юришиб кетишида ҳам Нурали Ҳайдаровнинг ўзига хос улуши бор. Бетон қоришмалари узелида бир кунда 80 кубометрга яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Унинг 50—60 кубометри узелга қарашли Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Калинин районидаги жорий участкаларнинг эҳтиёжига сарф бўлаяпти. Қолган қисми эса шахсий иморатлар тиклаётганларга асқотмоқда. Узелдаги иккала бригаданинг кучи билан биргина шу йилнинг ўзида шаҳримиздаги ўндан зиёд иморатнинг пойдеври тикланди. Салкам 40 минг сўмлик иш бажарилди.

Бетон қоришмалари узели жамоаси аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг фақатгина шу йўли билан чекланиб қолаётгани йўқ. Бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилган. Айни ғишт маҳсулотлари танқис бўлиб турган бир пайтда узелда тайёрланаётган ғовакли ғиштлар кўпчиликка қўл келмоқда. Унинг бир донаси бемалол еттита ғиштнинг ўрнини боса олади. Нархи 65 тийин. Бир кунда узелда бундай ғовакли ғиштнинг 400 донаси ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида бу кўрсаткич янада ошади. Келгуси ойларда жамоа томонидан темир маҳсулотлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Ҳозир бу мақсадни амалга ошириш учун янги цехни ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.



⊙ «ЗЕНИТ» ЗАРБДОРЛАРИ. «Зенит» заводининг Л. Скотникова етакчилик қилаётган пешқадам бригадаси аъзолари Л. Сагирова, И. Ҳайруллин, Л. Скотникова (бригадир), Г. Бабкина ва Е. Жеребцовалар.

Т. Каримов сурати.

# Даромадлар ҳисобига

ТОШКЕНТДАги «Шарқ гули» бадиий буюмлар бирлашмасининг ходимлари Болгария бўйлаб туристик сафарга жўнаб кетдилар. Йўлланмалар нархининг ярмини корхона тўлади.

Август ойида эса бу ерда ходимлар учун яна бир имтиёз жорий этилди: корхона тушликлар ҳақини қисман тўлашни ўз зиммасига олди. Энди ҳар бир ходим ҳар куни 50 тийинлик талон олаяпти. Бу маблағлар қаердан келаяпти?

— Даромаднинг бир қисмини биз ижтимоий, маданий-маиший муаммоларни ҳал этишга сарфлаяпмиз, — дейди бирлашма бош инженери А. Алимбоев. — Тўла хўжалик ҳисобида ишлаб, корхона меҳнаткашлари ўтган саккиз ой мобайнида режадан ташқари 1 миллион 248 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Ана шу пулнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжларга сарфланмоқда.

Бирлашма жамоаси 100 хилдан кўпроқ бадиий буюмлар ишлаб чиқараяпти. Шуларнинг ярми харидоргир моллардир. Бирлашма ходимлари йил охиригача яна камида миллион сўм соф даромад олишни мўлжаллашмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### АҚШда «космик такси» модели яратилди

НЬЮ-ЙОРК. Шимолий Каролина штатидаги Роли шаҳрининг кўпгина аҳолиси кўп марта фойдаланиладиган митти космик кема тимсолини кўришга муваффақ бўлди. Бу ерда ёғоч ва ганчдан табиий катталикда ясалган бу кема моделини тантанали суратда НАСА вакилларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Бу ерда гап ер билан орбитал космик станция ўртасида қатнайдиган аппарат тўғрисида бормоқда. «Космик такси» деб аталган аппарат лойиҳаси компьютер дисплейлари экранларида вужудга келди, моделнинг ўзини эса Шимолий Каролина штати университетларининг юқори курс талабалари ва ўқитувчилари яратишди.

Яратилган модель космик маҳкамага узунлиги атиги 10 метрдан иборат бўлган кемага саккиз йўловчи ва экипажнинг икки аъзоси қулай ва хавфсиз тарзда жойлаша олишларини аниқлашда ёрдам беради. «Космик такси»ни орбитага олиб чиқиш учун у юкхонасига бемалол сиға оладиган замонавий «Шаттл»дан ташқари бошқа учирувчи ракеталардан ҳам, эҳтимол «Титан»дан фойдаланиш мумкин бўлади. Парвоз чоғида ракета бузилиб қолган тақдирда «Космик такси» дарҳол ундан ажралиб, учиш-қўниш майдончасига қайтиб тушиши мумкин.

«Космик такси»нинг асосий вазифаси — орбитал станция экипажи мунтазам алмашиб туришини таъминлашнинг тежамкор воситаси бўлишдир.



⊙ Швециянинг машҳур сценарийчиси, кинорежиссёр ва театр арбоби Ингмар Бергман янги, таржимаи ҳоли билан боғлиқ фильмни суратга олишга киришди. Мазкур лента Бергманлар оиласининг ҳаётига бағишланган. Фильм тўртта ярим соатли сериялардан ташкил топади.

СУРАТДА: Ингмар Бергманнинг янги фильмидан бир кўриниш.

Прессенсбильд — ТАСС сурати.

### Элчини чақириб олиш талаб қилиняпти

ИСЛОМОБОД. Покистон ички ишлар вазири вазифасини бажарувчи Зоҳид Сарфроз АҚШ элчиси Роберт Оуклини мамлакатнинг ички ишларига аралашишда айблади. Америка дипломатининг ўтган ҳафтада Вашингтонда сўзлаган нутқи Исломобод маъмурияти вакилининг ғазабланиши учун баҳона бўлди. Ўз нутқида у Покистон ҳукуматининг собиқ бош вазири Беназир Бхуттога нисбатан қилаётган хатти-ҳаракатларини танқид қилган эди. Ҳозир Беназир Бхуттони Исломободда порахўрликда айблаб судга бермоқчи бўлиб туришибди. Унинг эри — машҳур сармоядор Асиф Али Зардори ва Покистон собиқ ҳукуматининг бир қанча вазирлари ҳам жиноий жиҳатдан таъқиб қилинмоқда. Бхутто кабинетининг уч аъзоси ҳозир ҳибсда ётибди.

Оукли ўз нутқида Бхутто устидан тайёрланаётган судни «бир ёқлама суд мажлиси» деб атади. Фақат Покистон ҳукумати собиқ бошлиғининг «иши» билан чекланиб қолмасдан, айни вақтда 1985 — 1988 йиллар даврида расмий кишилар ўз лавозимини суиистеъмол этиб, қилган жиноятларни ҳам текшириш одилона иш бўлур эди, деб таъкидлади у. Ўша даврда Покистонда мамлакат ҳозирги муваққат маъмуриятининг кўпгина аъзолари ҳокимият тепасида турар эдилар.

З. Сарфрознинг фикрича, шу гапларни айтганлиги учун АҚШ элчиси Покистондан ҳайдаб юборилишга лойиқ. У АҚШ давлат департаментига мурожаат этиб, Исломободдаги ўз вакилини тезроқ алмаштириш масаласини кўриб чиқишга чақирди.



⊙ БУЮК БРИТАНИЯ. Бир кун аввал Ироқдан қадрдон Уорчестер шаҳрига қайтиб келган беш ёшли Стюарт Локвуд (суратда) озодликнинг биринчи кунини ўзи яхши кўрган ўйинчоқларни ўйнашга бағишлади.

ЕПА—ТАСС телесурати.

### Туризм танг аҳволда

ДЕҲЛИ. Бой тарихий ва маданий ўтмишга эга бўлган Ҳиндистон туризми саноати ниҳоятда танг аҳволни бошидан кечирмоқда, уни ноқулай истиқболлар кутмоқда. Ҳиндистон саёҳат агентликлари вакилларининг Ғарбий Бенгалия штатидаги Калькутта шаҳрида бўлиб ўтган тўрт кунлик қурултойи иштирокчилари ана шундай хулосага келдилар.

ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, чет эл туризми соҳасида айниқса ноқулай аҳвол вужудга келган. «Мўъжизалар мамлакати»га хориждан ҳар йили атиги бир ярим миллионгача меҳмон келмоқда. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Ҳиндистондан анча кичикроқ бўлган Буюк Британия ҳар йили унга нисбатан 10 баравар кўпроқ ажнабий сайёҳларни қабул қилмоқда.

Бундай аҳволнинг вужудга келишига бир қанча омиллар сабаб бўлди. Ҳиндистон аэропортларининг яхши эмаслиги ва бунинг натижасида чет эл авиакомпаниялари мамлакатнинг турли шаҳарларига борувчи рейсларни кўпайтиришдан бош тортаётганлиги, «саёҳат дурдоналари» бўлган Жамму ва Кашмир, Панжоб, Ассам штатларидаги беқарор ички сиёсий вазият, меҳмонхоналарда жойларнинг ҳамда серҳашам туристик автобусларнинг етишмаслиги, туризм учун давлат ажратаётган маблағларнинг жуда камлиги ва бошқа кўпгина сабаблар шулар жумласидандир.

Қурултой иштирокчилари марказий маъмурларни туризм соҳасидаги вазиятни тузатишга қаратилган зарур амалий тадбирлар кўришга даъват этдилар. Бироқ, шуниси аёнки, ҳукуматнинг ўзи вазиятни яхшилашга қодир эмас. Шу муносабат билан Жамму ва Кашмир штатининг маъмурияти туризм маҳаллий саноатини хусусий шахслар ихтиёрига топшириш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқмоқда, Ғарбий Бенгалия ҳукумати эса меҳмонхона корпорацияларини штатда янада фаоллик билан янги меҳмонхоналар қуришга, хизмат соҳасини кенгайтиришга даъват этмоқда.

(ТАСС).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**УНИНГ таржимаи ҳоли оддий: 1952 йили Тошкент тўқимачилик комбинатига кирган. Ишчи. Биз уларнинг меҳнатини қадрлашга, зарур шарт-шароит яратишга интилиб келдик. Негаки, улар корхона учун кўп иш қилишяпти. Қаҳрамонимиз Анна Земцова ҳам оддий ишчи. У мана 38 йилдирки, пардозлаш фабрикасидаги бўяш-ювиш цехида меҳнат қилиб келади. Анна Евдокимовна ўтган йиллар давомида не-не ишларни қилмади дейсиз: буёқчи, газлама пиширувчи, тахловчи бўлиб ишлади. Санайверса адоғи йўқ. Ҳатто раҳбарлик қилган пайтлари ҳам бўлган. Унинг шу кунларда ўн олти нафар шогирди корхонамизнинг турли ишлаб чиқаришларида меҳнат қилишмоқда.**

Меҳнат жамоаларида

# «Мен — ишчиман»

Тажрибали ишчи билан бафуржа суҳбатлашдик. Машиналардан «оқиб» тушаётган газламалар бир текис бўлиб махсус жиҳозланган аравачаларга тушмоқда. Анна Евдокимовна уларнинг ҳўл-қуруқлигини синаб кўради.

— Ҳозир участкамизда одам етишмаганлигидан турли ишларни қилиб кетавераман. Асли касбим — кимёвий ишқорлар тайёрлаш. Мана кўриб турибсиз, ҳозир машина олдида турибман. Газламанинг сифатли ювилишини, бирорта ҳам доғ-дуғ ўтказмасликни назорат қилишим керак, — деди у суҳбатимиз бошида.

— Анна Евдокимовна, саккиз соат давомида шу машинада қанча газлама юва оласиз?

— Техника панд бермаса, бемалол 36—40 минг газчўп газламани сифатли ювиш мумкин. Иш меъёримиз 35000 газчўп.

— Участкангизда тўрт нафар кекса ишчини кўраяпман, қолгани ёшлар экан...

— Ҳа, шу сменада тўрт нафармиз. Боримиз шу. Ёшларга келсак, тўғри, улар кўпчиликни ташкил этади. Аммо баъзи кишиларга ҳайрон қоламан. Узоққа бормай, рўзномаларда ёритилаётган айрим мақолаларда ёшлар кетиб қолишяпти, улар фақат ўқиш учун келишади, деган гапларни учратаман. Мен бундай гаплардан, очиғи, хафа бўлиб кетаман. Нега деганда биз бугунги давр ёшларини ўз қаричимиз билан ўлчаяпмиз, шекилли. Ахир, ҳозир давр анча илгарилаб кетган-ку. Ёшлар ўқимай, биз ўқиймизми? Ёшлар катта талаблар қўйишяпти, тўғри қилишади. Социализм шароитида яшаяпмизми, давлат қонунлар чиқариб қўйибдими, марҳамат, талаб қилишсин. Жамоамиз орасида ҳам ана шундай ўз ишининг фидойилари кўплаб топилади. Қисқаси, мен бугунги ёшларимиз билан фахрланаман. Улар ўз юртини гуллатиб, яшнатишга қодир кишилар деб ҳисоблайман.

— Маош қандай? У сизни қаноатлантира оладими?

— Биласизми, бир пайтлар 60 сўм маош олганман. Шунга қаноат қилардик. Кейин 600 сўм олган вақтларим ҳам бўлди. Умуман маошдан нолийдиган одатим йўқ. Бу ишга қандай ёндошишга боғлиқ.

— Сиз 60 сўм маош олган вақт ҳам бўлган экан, башарти, ҳозир шу пулни бирорта ёш ишчи олса, шикоят кўтариши аниқ...

— Мен маош олган вақт 1952 йилга тўғри келарди. Унда пулнинг баракаси ҳам бор эди. Ўн сўмга анча нарса олардик. Ҳозир пулнинг қадри қолмади. Бозорга чиқиб ўн сўмга бирор нарса ололмайсан. Ёшларнинг талаби табиий. Чунки у ишлаганига яраша яхши ейишни, яхши кийинишни ва яхши яшашни хоҳлайди.

— Анна Евдокимовна, мана икки йилдирки, сиз ҳам нафақа олувчи (пенсионер)лар сафига қўшилибсиз. Нега энди дам олмай, иш фаолиятингизни давом эттираяпсиз?

— Уйда ўтиравериб, зерикдим. Ишга ўрганиб қолсанг, ташлаб кетолмас экансан. Айниқса неча йиллар бирга ишлаган кишилар билан қадрдон бўлиб кетганман, чарчоқ ҳам билинмайди. Мен уларни кўрсам, дам олгандай бўламан. Мақсадим иложи борича корхона, элюртга фойдам тегса дейман. Ахир қайта қуриш комбинатимизни янгича изга солиб юборди, бу қувончли эмасми? Бунга менинг ҳам кўпроқ ҳиссам қўшилса дейман.

Б. ОРИПОВ.

Тошкент тўқимачилик комбинати ходими.

